

**Ўзбекистон Давлат консерваторияси
“Шарқ мусиқаси” факультети**

“Анъанавий хонандалик” таълим йўналиши

РЕФЕРАТ

Мавзу: Болабон ёки буламон.

Бажарди: Ахмедов Э
Текширди: Матёкубов Ш

Тошкент 2016

Болабон ёки буламон


Ўзбек халқининг бой маънавий ўзига хос мусиқа мероси дунёдаги барча давлатлар орасида ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Қайси жабҳани олиб қарасак ҳам Ўзбек санъати ранг-баранглиги ва кўп кирралиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мисол тариқасида дostonчилик; жирoвчилик, бахшичилик, халфа (аёллар орасида), хонандалик йўналишларидан; қўшиқ, лапар, ялла, терма, ашула, айтим, катта ашула, суворийхонлик, мақом хонандалиги, чолғу жанрларидан; меҳтарлар (карнай-сурнай, ноғора, дойра, масҳарабозлар, дорбозлар ва бошқа халқ орасидаги мусиқа ижрочилиги) гуруҳлари, якка чолғулардаги етакчи (танбур, дутор, чанг, ғижжак, най, қўшнаё, рубоб) созандалари, мақом ижрочилари халқнинг маънавий эҳтиёжини қондириб келишган. Абу Наср Фаробининг таъбири билан айтганда илк мусиқий чолғу бу инсон овози бўлса, иккиламчи мусиқий чолғуларнинг айнан ўзи бўлиб, барчаси инсоннинг овозига тақлид қилувчи мусиқий товушлардир. Яъни, одам овози табиий бўлиб ривожланиш, сўниш хусусиятига эга, бутун дунёда нечта одам яшаса ҳаммасининг овози турлича бўлиб, бир-бирига ўхшамайди. Мусиқий чолғуларнинг товуши сунъий бўлиб, уларнинг товуши бир-бирига ўхшайди (танбурларнинг товушлари бир ҳил). Мусиқий чолғуларнинг товушлари токи инсон кўли билан яратилгач эскириб чалинмай қолгунича ҳам бир ҳил товушга эга бўлади. Шундай мусиқий товуш ҳосил қилувчи созлар ҳақида кўп маълумотлар бор, бироқ бир чолғу борки бу бошқа созларга нисбатан ноёблиги билан ажралиб туради.



Ана шундай қадимий ва ноёб чолғулардан бири буламон ҳақида сўз юритамиз. Буламоннинг луғавий маъноси форс тилидан - Болобам, яъни боло – баланд, бам – паст. Бошқача айтганда баланд ва паст товушларда ҳам бирдек жаранглайди ва товуш кўлами кенг деган маънони билдиради.

Уста Абраҳимов 1955 йилда Лева шаҳрида ё...



ХУДАК ОТА

Бу чолғу 300 миллиметр узунликдаги мевали ёғочдан, ғоваги цилиндрик шаклда бўлиб, карнайчаси устки томонидан қалинлаштириб ясалган чолғу. Буламоннинг трости, яъни дудики якка тилли ғаров найчанинг устки томонидан кесиб-тилиб очилган. Буламонда бармоқ билан босадиган 8 та тешик мавжуд. Шулардан биттаси асосий тешикларга қарама - қарши, яъни орқа томонда жойлашган.

Товушқатори диатоник. Унинг товуш тембри бўғиқроқ бас тусда бўлиб, асосан бахшилар ансамбли таркибида ва баъзан якка ҳолда қўлланилади.

Драматик ва фожеъавий дostonлар мусиқалари буламонсиз ижро этилмаган.

Ўрта асрларда буломон қўшнага ўхшаб жуфтланган яъни қўш буломон бўлган. 18-19 асрларга келиб бахши куйларининг суръати жадаллашиши натижасида буломонда техник маҳоратни ошириш эҳтиёжи туғилган ва якка буломон шаклида бахшини икки томонида биттадан буломончи жўр бўлган. Ҳозирги даврда қўш буломоннинг қадимий нусхасини таниқли сурнайчи Матрасул Матёқубов коллекциясида учратиш мумкин.

Машҳур буломончилардан Хивалик Худойберган Қурбон ўғли, Бобо буломон, Сафо буломон, Матниёз ота, Марғилондан Ҳамроқул буломон ва бошқалар.

Буломон чолғуси бугунги кунда ҳам шимолий Ўзбекистон, асосан Хоразм ва Қорақалпоғистонда бахшилар ансамблларида кенг истеъфода қилинади.